



Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАРЛИ ЎЙЛАР

МЕҲНАТ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

This block contains three black and white photographs. The leftmost photograph shows a wide, high-angle view of a field with deep, straight furrows running across it, with a few small figures of people in the distance. The middle photograph is a close-up of a pair of hands holding a young plant seedling with several large leaves. The rightmost photograph shows two men, both wearing traditional Central Asian caps (doppa), looking closely at a plant held by one of them.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК»
ТАРАДДУДИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ
А. П. КИРИЛЕНКО
БИЛАН УЧРАШУВИ

К. ЕРОВ.
Охангарон району.

КООПЕРАТОР-
ЛАРНИНГ ГҶШТ
ФАБРИКАСИ

инториянский, абаддондорлашти-
риш ва кўсаламзорлашти-
риш юзасиндан ҳам ачигагина
ишлар қилинади. Юзала ор-
тиқ ишчи-хизматчи бу иш
билан шугулланади.

А. АБДУМУТАЛОВ.


Охангарон району.

К. ЕРОВ.

Бухоро вилояти.

24
ФЕВРАЛЬ —
СОВЕТЛАРГА
САЙЛОВЛАР
КУНИ

УЛКАН ДОВОНЛАР



Тошкентдаги «Малика» трикотаж-шалаб чиқариш бирлашмаси коллективи улук дохий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишляпти. Бу марранга эгалапп учун бошланган мусобақада кўпсанокчи чеварлар пешкадамлик қилмоқдалар. Комсомол аъзоси Шоира Отажонова ҳам шундай илгорлардан ҳисобланади. У графикадан ўзиб ишляпти ва доим сифатан маҳсулот бермоқда. Суратда: илгор ишчи Шоира Отажонова. А. Усмонов ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзАТ).

КИШИ маълум бир масофани ўтган, босган изига рағам солиб қарайди. Эгалаппан довлонлар, янги чўчқилар сари назар ташляпти. Махаллий Советлар ва республика Олий Советига сайловларга саноқли кулар қолган ушбу дамларда биз ҳам ўз меҳнат муваффақиятларимизни сарҳисоб қилиб, янги режалар белгилаб олмақдамиз.

Сайловдан-сайловга бўлган келинни тўрт йил, айниқса ўн икки йил, йилликнинг туртинчи йили чиниқликлар учун ҳам улар зафарлар ва мардонлар меҳнат йиллари бўлди. Халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш, кишлоқ хўжалиги, саноат қурилишини ривожлантиришда дадил одамлар ташляпти.

Ўтган йил район Совети ижроия комитети, доимий комиссиялар, депутатлар халқ хўжалигининг бирча муҳим тармоқларини бер текис ва улуксиз ривожлантириш, техника даражасини ошириш, ҳамда муҳим объектиларни қисқа муддатларда қурилишга топширишга алоҳида аҳамият бердилар. Масалани, саноат раҳбарлиги, махсулот ишлаб чиқариш ва унинг реализациясини суръатларини ошириш, меҳнат уюмдорлигини юксалтириш масалаларини ижроия комитет кенгашларида саноқли марта кўриб чиқилди.

«Госкомсельхозтехника» райони бирлашмаси, қурилиш материаллари комбинати, Олмазор автомобиль ремонт заводи каби саноат корхоналаридаги халқ екакилари ва депутатлар алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Шу тўғрисида районда ўтган йили саноат махсулотларни реализация планга бажарилди.

Айрилган кўпсанокчи маҳаллардан самарали фойдаланиш, турар-жой объектиларини ҳамда саноат ва маданий-маиший аҳамиятга молия биноларини ўз вақтида ишга туширишга алоҳида эътибор берилди. Бу масала район ижроия комитети-

нинг кенгашларида олти марта кўриб чиқилди. Натияжада капитал қурилиш ишлари янда ахшиланди. Масалан, ўн бир ой ичда бир неча юз минг сўмлик капитал маблаг элалтирилди. Шулар асосига 7590 квадрат метр-уй-жой, 140 ўринли болалар боғчаси, 60 ўринли туғруқхона ва бошқа кўптеж жамоат бинолари фойдаланишга топширилди. Колхоз ва корхоналар ҳисобига чорвачилик фермалари, ўғитлар сақлашданган омборлар қурилиш йўлга қўйилди. Юз минг беш жукача мулкдорларини паррадаҳона фойдаланишга топширилди.

Пешкадарларимиз эришган меҳнат муваффақиятлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ўтган йили улар мислиси қийин об-ҳаво шароитида юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Давлатта 35 минг тонадан кўпроқ юкори сифатли «оқ олтин» етказиб берилди. Она-Ватан оморига аландан ташқари 1400 тоннага яқин қимматли хом ашё тўқилди. Депутатларимиз ва активлар раҳбарлиги қилган бешта бригада 50 центнерлик, 20 бригада эса 45—48 центнерлик марранга эгалапти.

Сайловдан сайловгача

Маданият уйлари, кишлоқ клублари, кинотеатр ва кутубхоналар фаолиятини янда ахшилатиш, уларнинг минбаридан илгор фан ва техника ютуқларини ёйишда кенг фойдаланиш мақсадида сессия ва кенгашларимизда бу масала бер неча бор муҳокама этилди. Ҳозирги кунда улар меҳнаткашларини эстетик тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Халқ маорифи, ҳунар-техника таълимини ривожлантиришга эътибор қўйилди. Ҳозир районимизда 48 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 20 мингга яқин ўқувчи таълим олмақда. Уларнинг билан асосларини пухта эгалаптилар, маънавий етук, сирий баркамол бўлиб етишларни уруч ҳамма имкониятлар яратиб берилган. Кўпсанокчи кабинетлари, пионерлар уйлари, турли бадиий ҳаваскорлик тўғрисидаги намунали фаолият кўрсатмоқда. Олмазор ҳунар-техника мактаби талабалари

замонавий қишлоқ хўжалик техникасини чуқур эгалаб боришляпти.

Ободончилик, халқ турмуш фаровонлигини юксалтириш соҳасидаги ютуқларимизда қишлоқ посёлки, район ва шаҳар Советлари депутатларининг ҳиссаси жуда катта. Улар хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни янда ахшилатишга ҳаракат қилиш билан бирга бевосита ўз нақзаларини объектив ҳал эта бориб муҳим тадбирларини амалга оширмоқдалар. Чиноз шаҳар Совети, Олмазор посёлка Совети, Ленин номида Яллама қишлоқ Советлари депутатларининг фаолияти бунинг далилидир.

Ўз бурчаларига сандидилан, принципал муносабатда бўлиб, сайловчилар ҳўратини қозонишга депутатларимиз ҳақида таърихиямизда Турсуной Охунбаева номини биринчилар қатори тилга оламиз. Киров номида колхоз илгор бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Т. Охунбаева сайловчилар «Пахта» посёлкасини табиий заҳаб билан таъминлаш ҳақида нақаз берган эдилар.

У халқнинг бу истакини амалга ошириш учун бутун куч, гайратини ишга солиб, елбо-югурди. Меҳнатдан бўш вақтларини ўзига билдирган юксак ишончини оқлашга бағишладилар. Ҳозир посёлкадаги 300 дан ортиқ хонадон «занотри оловдан баҳраманд».

Қурилиш материаллари комбинатининг электртрн, райис Совети депутаты Фарҳод Аҳмедовга эса Сирдарё бўйида илчи-хизматчилар учун дам олиш зонаси қурилишини ташлятириш ҳақида нақаз тушганди. Депутат бунда ёрдам беришга қолмай, кўпчилик тақлим-истакларини ижодий ўрганди, бошқа кўпсанокчи қишлоқларини яратишга ҳам эришди.

Шунингдек, район советининг депутаты Тошпўлат Зокиров туғруқхона қурилишини ташлятишда, Яллама қишлоқ Советининг депутаты Эргаш Қўшномов Охунбаева номида колхоз хонадонларини табиий газ билан таъминлашда, шу қишлоқ Советининг депутаты Тезирбой Ўрдабев «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхоз терри-

ториясини ободонлаштиришда фаолият кўрсатишда, «Жангоз» совхоз ишчиларининг илчилик суви билан таъминлашда эса Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты К. Б. Мамедовнинг ҳиссаси катта бўлди.

СССР янги Конституциясида доимий комиссиялар фаолиятини тобора активлаштириб боришга алоҳида аҳамият берилган. Бу ўз навбатида халқ вакиллариининг турли соҳаларга раҳбарлик қилишлари ва ютуқ ҳамда камчиликларини ўз вақтида аниқлаб олишларига имкон беради. Район Совети бошдаги Ҳолдор Апромов бошлиқ қишлоқ хўжалиги бўйича доимий комиссиянинг ишлари шу жиҳатдан характерлидир. 9 кундадан бораб бу доимий комиссия баҳорги дала ишларидан тортиб, йилги-термин дари-гача бўлган муддатда қишлоқ хўжалиги ишларига раҳбарлик қилиб боради.

У. Бобоев бошчилигидаги чорвачилик, Ф. З. Аҳмедов раислик қилган халқ маорифи, А. Абдукаримова бошлиқ соғлиқни сақлаш доимий комиссиялари ҳам ўз соҳаларидаги ишларини янда ахшилатиш ва қийинган вазифаларини муваффақиятли урдалашда активлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг доимий ҳамкорлигида ўтган йили район Совети сессиялари ва ижроия комитет кенгашларида хўжалик ва маданий қурилишга онд 556 масала муҳокама этилди.

Халқ хўжалик планларининг, нақзаларининг бажарилиши, советлар фаолияти ҳамма назорат қилиб борилади.

Районимиз меҳнаткашлари сайловчилар муносиб меҳнат совгалари билан қўниб олди. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини кўнгулдагайдег яншиқ ҳамда беш йиллик сўғил йили планларини ортиги билан бажариш учун социалистик мусобақани тобора авяк олдиримоқдалар. Халқимизнинг муносиб ўғил-қизлари — депутатлар мусобақининг олдинги сафларидан боришмоқда.

Э. БОЙНАЗАРОВ, халқ депутатлари Чиноз район Совети ижроия комитетининг раиси.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ КУТУБХОНА

«Китобсиз — билим, билимсиз коммунизм қуриб бўлмайд».

В. И. ЛЕНИН.

МЕҲНАТКАШЛАРИНИ коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг голийи-сирий ва маданий савбиясини ошириш ҳамда мустақил ўқишларига ёрдам беришда кутубхонанинг роли қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ҳозир ҳамма ахши билляпти. Шунинг учун ҳам бу муҳим масалага шаҳар ва қишлоқларимиздаги маҳаллий ташкилотлар катта эътибор бермоқдалар. Яқинда Калинин районидagi Ўртаовул посёлка Советига қарашли «Ёшлик» маҳалласида янги кутубхона очилди.

В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ташкил этилган кутубхонанинг очилиш маросимидан посёлка Советининг раҳбарлари, маҳалла атрофидаги Свердлов номида совхознинг ишчилари, 33, 42, 43-ўрта мактабнинг педагоглари ва ўқувчилари ҳозир бўлдилар.

«Ёшлик» маҳалласида кутубхона босиниси тиклашда, — дейди посёлка Советининг секретари Рамондин Умаров, — кенса педагог, маҳалла комитети-

ШОВҲИН, иссиқ-сувуқ ва бошқа шу крби ҳодисалар киши саломатлигига қанчалик зарар келтиришини ҳамма ахши билляпти. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда бунга қарини кураш кўламини кенгайиб бормоқда. Шу мақсадда шовқинини ютадиган, иссиқ-сувуқини ўтказмайдиган турли хил қурилиш материалларидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Оҳангарин цемент комбинатида худди шундай материални ишлаб чиқариш элалтирилган. Дондор акустик материалдан ташқари тайёрланадиган плита-акриглар шундай материалдир.

АЖОЙИБ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛИ

Тошкент аэропорти, республикамиз пойтахтидаги қатор кинотеатрларнинг ишлари ана шундай плиталар билан пардозланган. Ташқи қурилишдан оқ тошга ўхшайдиган бундан плиталар товушини, иссиқ-сувуқини ўтказмайдиган, ёйиладиган, намликни ўзидан қочиради. Архитекторлар ва бинокорлар бундай материални жамоат, маъмурий бинолар,

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

айтдилар. Розн бўлдим. Орадан бир ой ўтар-ўтмас учини билан коридорда учрашиб қолдим. Шунда биринчи Абдували ака мени илчи назарига билан тўқриқладилар. Қувондан бош илчи осмонга етди. Хуллас меҳнат олдири бориш учун Кирова район Советига депутатликка номзоди кўрсатилганда яна бир бор юракдан ҳис етди.

Депутат бўлиш алаб-та фахрли, — дейди Абдували билан билан сўзлашди. — Шу билан бирга ўзини зиммасига масъулияти вазифа қўйилган. Уни бажариш эса, кишидан куч ва гайрат талаб қилади. Кўпчилик ишончини сиқидилдан оқлаш керак.

Шу чоғ хонага ўрта ёшлардаги бир аёл кириб келди. — Етаки инженерлари-

М. КОМИЛЖОНОВ.

ЖАМКАРПО ЖАЁТ ВОҚЕАЛАРГА ЯНГИЛАРГА

СССР БИЛАН БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ТЕХРОН, 19 февраль. (ТАСС). «Имом илчининг издошлари» — Эрон студентларининг вакили оғилдо Хумайнинг ўғли Хожата Илол Ахмед Хумайин билан АКШ элчихонасида бўлиб ўтган учрашувдан кейин студентларнинг позицияси ўзгармайдиган. Биз, деди у, гаровга олинган америналикларни озод қилиш учун бирдан бир шарт сифатида сойиқ шох ва у ўмариб кетган бойликлар қайтариб берилишини қаттиқ талаб қилаверамиз.

Студентлар гаровга олинган кишиларни ағдариб ташлаган шох тутиб берилмасдан олдин фанат оғилдо Хумайиннинг буйруғи бинаво озод қилиниши мумкин, деб яна бир бор таъкидладилар.

ТАРИЖ, 19 февраль. Гаровга олинган

америналиклар БМТ вакили Нью-Йоркда эълон қилганидек, яқин икки ҳафта ичда озод қилинади, деб ўйлабаман, деди Эрон ташқи ишлар министри С. Кўшбозда Франция телевидениесининг муҳбири билан сўзлашди. У Эроннинг сойиқ шохга несибатан даъволарини тафтиш қилувчи халқаро комиссиянинг олиб борадиган ишга тўхталиб, комиссия аъзолари эҳтимол шу ҳафта охиридаёқ Техронга келиши керак, деди.

Кўшбозданнинг сўзларига кўра, Нью-Йоркдаги бозан — бир вакиллар келинги вақтларда комиссиянинг ишн тўғрисида кўп гапирмоқдалар ва гаровга олинганларни озод қилиш муддатлари ҳусусида «баъзан масъулиятсизлик билан баёнот бермоқдалар». Бу масалани муҳокама қилиш халқаро комиссия яқинида мақ-

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПРАГА. Мартин шаҳридаги оғир машинасозлик заводининг коллективи СССРга маҳсулот етказиб бериш йиллик планини муддатидан уч ҳафта илгари бажариш мажбуриятини қабул қилди. Корхона меҳнаткашлари Чехослования Совет Армияси томонидан овоз қилинганлигининг шу йил 9 май кунини ишонланди. 35 йиллиги шарафига ана шундай ташаббусни бошладилар.

Мартинда Совет Иттифонининг бюргмасига бинаво жумладан, «БелАЗ» автомобиллари учун қудратли двигателлар, гидроакли тракторлар ва бошқа техника ишлаб чиқарилмоқда.

КОБУЛ. Бу ерда АХДП Марнашай Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал раислигида Афғонистон Демократик Республикасининг мажлиси ўтказилди.

Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Министрлар Кенгаши АДР билан соци-

алистик мамлакатлар ўртасида илгари имзоланган шартномалар ва битимларини, шу жумладан ГДР билан техникавий ва иқтисодий ҳамкорлик планини муддатидан уч ҳафта илгари бажариш мажбуриятини қабул қилди. Корхона меҳнаткашлари Чехослования Совет Армияси томонидан овоз қилинганлигининг шу йил 9 май кунини ишонланди. 35 йиллиги шарафига ана шундай ташаббусни бошладилар.

МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикаси маориф ва маданият, молия, ташқи савдо министрликларида ФРЕЛИМО партиясининг партия билан наросини бўлиб ўтди. Маориф ва маданият министри Граса Машел хоним ани шу масалада сўзга чиқиб, партия аъзоси номини зиммага юклайдиган катта масъулиятини таъкидлаб ўтди. Партия билети деҳи у, унинг ағасига ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятида намуна бўлиш, юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлиш, социализм учун курашини вазифинини юклайди.

(ТАСС, 19 февраль).

СЕМИНАР-ПРАКТИКУМ

Богча ёшидаги кичкин-тойларда элементар математик тушулчаларини шакллантиришнинг ўрганиш ўзига хос илмий-методик аҳамият касб этади. Бу ерда республикадаги педагогларнинг ва кўзга ушларни олиб борилади.

Тўпланган дастлабки тажрибаларини умумлаштириш ва жойларда ёйиш мақсадида яқинда кўча семинар-практикум ташкил этилди.



НАМИБИЯ ватанпарварлари ўз авангарди — Габриел-Шарқ Африка халқ таъиноти (СВАПО) раҳбарлигида озодлик курашини давом эттириб, мамлакат территориясини коммунист равишда босиб олган Жанубий Африка кучларига қай-шатчи зарба бермоқдалар. ЦАФ — ТАСС фотоси.

ЯҚИН ШАРҚ ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

КОБУЛ. Афғонистон ҳукумати мамлакатда жамоат соғлиқини сақлаш системасини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. «Кобул Нью таймс» газетасининг хабар беришича, АДР Министрлар кенгаши сўй касали билан бетоб кишиларни текин даволаш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарорини АДР Революцион кенгашининг Раиси ва Бош министри Бабрак Кармал тасдиқладилар.

ДАМАШҚ. Ишчилар касба союзи янги федерациясининг даъватига бинаво 15 февралда Сурияда илтиёрни ватанпарварлик меҳнати кунини ўтказилди. Давлат муассасаларининг хизматчилари, давлат сектори корхоналарининг ишчилари ҳукуматининг

ишки ва ташқи спесатини қўллаб-қувватлаш ишн юзасидан ихтиёрий меҳнат кунинда катнашдилар.

БАГДОД. Бутун Ироқда кенг миқёсда йўл қурилиш ишлари олиб бориюмоқда. Шу йилнинг ўзигагина мамлакатнинг учта шимол-ий вилоятларини бириктирган қуралар автоном районида 300 километрдан узунроқ масофада замонавий йўллар қурилди.

Бу йил автомобил билан юк ва пассажир ташувчи давлат транспорт ташкилотига 50 миллион динардан кўпроқ маблаг ажра-

тилди. Бу маблаг янги автобуслар, юк автомобиллари, махсус автомобиллар сотиб олиш, улар учун ремонт базалари қуриш, шунингдек шофёрлар ва техника хизмат ходимларни тайёрлаш учун сарфланган.

Республиканинг деярли ҳамма вилоятларида янги автобус маршрутлари оу-лади. Ташкилотга яқин йил ичда 800 та янги автобус берилди.

ДЕХЛИ. Годавари дарёси ҳавзасида ва Гуахрат штатининг Броч округида хилд геологлар катта исёф ва табиий газ қонла-рини топдилар.

(ТАСС, 19 февраль).

БУТУНИТТИФОҚ
СОЦИАЛИСТИК
МУСОБАҚАСИ
ҒОЛИБЛАРИ

Бўналиклар ибратлари

Бўна район меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги йиллардаги қатор Пленумлари қарорларини изчил амалда ошира бориб, 1979 йил ва умуман ўн йиллик беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ортири билан бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда улкан ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Айниқса, 1979 йил ютукларга янада бой бўлди. Район пахтачилиги тарихида биринчи марта 75 минг 150 тонна «оқ олтин» етиштирилди ва сўнгги

граммигача қолдирмай, йиғиб-териб олиниб давлатга топширилди.

Шуни исдиқатга сазоворки, район пахтакорлари ўн йиллик беш йилликнинг ўтган тўрт йилдаёқ тўққизинчи беш йиллик натижаларидан ўзиб кетиб, ўша даврдан нисбатан 127 минг 690 тонна кўп пахта етиштиришди.

Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тез ривожланиб бормоқда. 1979 йилда дон, сабзавот маҳсулотлари, гўшт, сут, туҳум етиштириш ва давлатга сотиш топшириқлари анча ортири билан адо этилди.

Район меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари бу йил иккинчи марта КПСС Марказий Ко-

митети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бу юксак мукофот байроқдор район меҳнат аҳлини янги марралар сари руҳлантирмоқда. Улар беш йилликнинг якуновчи йилида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини янада кенг ривожлантириш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, партия ва ҳукумат байроғини учинчи марта қўлга киритиш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтарган ҳолда курашни давом эттирмоқдалар.

1980 йил режалари

- 80 МИНГ ТОННА ПАХТА
- 18 МИНГ ТОННА ДОН
- ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИЛАДИ.
- СУТ ЕТИШТИРИШ — 20 ПРОЦЕНТ
- ГЎШТ ЕТИШТИРИШ — 25 ПРОЦЕНТ
- ТУҲУМ ЕТИШТИРИШ — 47 ПРОЦЕНТ
- ҚУРАЙТИРИЛАДИ

МЕХАНИЗАЦИЯГА ТАЯНИБ

Мария КОВАЛЕВА,

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган меҳанизатор, «Бўна» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи

БРИГАДАМИЗ аъзолари бундан тўрт-беш йил илгари ватандарварлик ташаббуси билан, қишлоқ ерлардан дастлаб 65 гектар ер тўсувчи меҳанизатор қизларини 150 тоннадан ортиб пахта териб бердилар. Холбуки, улар яқиндагина тўсувчи меҳанизатор қизлар мактабини битириб кетилган.

Бизда бундай моҳир меҳанизаторлар кўллаб топилади. Улар пахтачиликни комплекс механизациялашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Шуларнинг ҳаракати билан совхозимиз бўйича асосий ишлар механизациялашга юклатилмоқда.

«Коммунизм» колхозининг қўриқчи хўжаликлардан бири. Ўтган йили колхоз пахтакорлари ҳар гектар майдондан 40 центнердан ортиб хирмон кўтардилар. Чингит экин, ғўзага ишлов бериш ва етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда фидокорона меҳнат қилган дала гвардиячилари Ахмед Орипов ва Нуриддин Муралиевлар коллективнинг умумий ютуғига барқарор ҳисса қўшдилар.

Ж. Ҳамроқуллов фотоси.



Янги марра 40 центнер ҳам пахта, ҳам дон

ҲАМНАМОНОВ, «Ленин» колхозининг раиси

ТАПНИНГ сирасини айтганда, бир йилнинг ўзига шунчаки юқалишга эришганимиз, деб ўйлаётган эдик. Чунки, колхоз бир неча йилдан бери қўлоқлар сафидан чиқолмаётган эдик.

Биз, аввало, машъал «Октябрь 40 йиллиги» колхозини раҳбарлари, мутахассислари ва уста пахтакорларидан миннатдоримиз. Улар хўжалигимизни оталиққа олиб, ҳам қимматли масалалар, ҳам амалий ердан бердилар. Эрта кўкмак ерларини экишга тайёрлашда бешлаб то ҳосилни йиғиб-териб олгангача бўлган борча дала ишларини шу хўжалик тақрибаси асосида уюштирдик.

Маҳаллий ўғитдан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳамма даладаримизда кўчатирилган тўққиз бўлиқнинг таъминоти. Барча агро-техник тақдирлар кўлайдиган мўлдатларда сифатли ўтқазилади. Қишлоқ хўжалик зараркуналаридан ва турли касалликларга қарши тизимли кураш олиб бордик.

Ҳосил пайиғи етилган, йиғим-теримни Ғалаба райони пахтакорлари ташаббуси асосида ташкил эдик. Хўжалигимиздаги мавжуд 2 та участкада алоҳида терим-

транспорт отрядлари тузилиб, мусобақанинг қонир шартлари ишлаб чиқилди. Отрядлар ремонтчи слесарлар, запаркачилар ва бошқа ишчи кучлари билан мустақим эдик.

Мусобақа иштирокчиларини рағбатлантириш учун кўплаб мукофотли ўринлар белгиланди ва маблаглар ажратилди. Натигада йиғим-терим ишларида 460 киши фаол иштирок этди. Улар орасида пенсияерлар, меҳнат ветеранлари ва уй бекалари ҳам бор эди.

Йиғим-терим уюшқоқли билан олиб бориладиган натижасида пахта таъйири йиллик ҳақ хўжалик пайиғи ҳудудидан илгари боришлар қатори баларини 800 гектар еригиз. Ҳар гектардан колхоз тарихида биринчи марта 39,4 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, давлатга 3150 тонна «оқ олтин» сотилди.

Инобат Ҳокимова, Тошназар Тошқуллов, Асадулла Ғўлов, Ҳолдор Алматов каби тақрибаси пахтакорлар бошлиқ бригадаларда

хўшдорлик ағча юқори бўлди. Умуман, бир йилнинг ўзига колхозимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги олти центнер ошди.

Биз учун қувончлики шунки, эришилган дастлабки ғалаба колхозчиларининг руҳини кўтариб, келгусида янада юксакроқ марраларни эгаллаш мумкинлигига ишонч туғдириди. Улар янги хўжалик йилида ҳосилдорлигини 40 центнерга етказишни мўлаққатламоқдалар. Бунинг учун бизда ички резерва ва имкониятлар етарли. Жумладан, мавжуд 11 та бригадани 5 тасида ҳосилдорлик колхозининг ўртача кўрсаткичидан паст бўлган. Бу йил биз ана шу бригадаларда 43 та қўйилган камчиликлар сабабини аниқлаб, уни тақрибмаслик чораларини кўрамиз.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти ва мутахассислар олдидан турган вазифалар хали кўп. Пахтачиликдан бошқа тармоқлардаги аҳоли бизни қаноатлантирмайди. Айниқса, чорвачилик соҳасидаги аҳолининг кескин аяшланишга эришилмиш керак. Бунинг учун илғорлар тақрибасини ўрганиб, уни кенг қўллаш чораларини кўрмоқдамиз.

Сувчиларимиз Маматжон Исмагулов билан Саиджан Сатторовлар ғўзаларни асосан тузда суғоришга ҳаракат қилдилар. Моҳир меҳанизаторимиз Отаҳўжа Комилов эса мавжуд 56 гектар пахта майдонини экинча таъйирлаш, уруғ ташлаш, ғўза бўйи ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб-териб олишга бўлган барча ишларини бир ўзи бемалол уюллади. Ҳосил йиғиштириб олингандан сўнг эса ҳамма нарталарни сифатли шудор қилиб қўйди.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 52,1 центнердан ҳосил кўтариб, давлатга 185 тонна пахта етказиб бердик. Мавсумда 6-7 тоннадан пахта терган Манзура Хусанова, Гули Аъзамова, Санталат Едгоров ва колхозчиларимиз барчага ўрнак бўлдилар.

Бригадани аъзолари пахтадан ташқари 36 гектар майдонда маккажўхори донини етиштирилди. Ҳар йилдек 1979 йилда ҳам маккажўхори дон ҳосилдорлигини 100 центнерга етказиб, бунга қўшимча яна 500 центнердан маккажўхори пояси ўрни олиди.

Бу йил коллективимиз пахта ҳосилдорлигини 55 центнерга, маккажўхори дон ҳосилдорлигини эса 105 центнерга, етказиш юзасидан юксак социалистик мажбурият қабул қилган.

Ушбу сажифани «Тошкент ҳақиқати» махсус мухбир Абдусамид Йўлдошев ва Бўна райони «Пахтакорлар овози» газетаси ходими Анвар Аҳмедов уюштирилган.

Қаҳрамонона меҳнат самараси

РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари қувончининг чеки йўқ бўғи. Улар 1979 йилда иқтисодий ва социал ривожланиш планларини муваффақият билан бажариб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига ғолиб чиқдилар. Қаҳрамонона меҳнатимиз ўтган йилдагидек, бу йил ҳам КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Ўтган 1979 йил ҳақиқатан ҳам жасадларга бой йил бўлди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мисли кўрилмаган иккинчи синодан ўтдилар. Қўкмак экин кампанисини даврида юз берган табиий қийинчиликлар ҳар бир меҳнаткашдан катта тақриб, омилдорлик ва фидокорона меҳнат қилишини талаб этди.

Ана шундай оғир дамларда район партия ташкилоти бутун омгани дала ишларига сафарбар этиш чораларини кўрди. Энг аввало коммунистлар ва актив комсомол-ешларнинг ҳар бир иш участкасидан авангардлик роли оширилди. Районимиз территориясидан қишлоқ Советлари фаолиятини кучайтирилди. Халқ хизматкорлари бўлган депутатлар ишининг оғир участкаларда фаолият кўрсатдилар. Ҳар бир қаратда, ҳар бир гектар майдонда «оқ олтин» тақдирини учун кураш қилгани тус олди. Натигада ҳамма хўжаликларда кўчатлар текис ва қиймас ундириб олинди. Қаратларда тўла гектарлар ҳосил қилиниб, кўчатлар қалинлиги нормала белгиланган иқдорга етказилди. Машаққатли меҳнат ва катта қийинчиликлар авлагида етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш тақдирларини аввалдан лухта ўйлаб белгиланди.

Пахта йиғим-теримини ағча қизини тус олган кезларда республика партия ва ҳукуматининг мурожаати мурожаати эълон қилинди. Мурожаатда халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарган районолар қаторида Бўна райони ҳам тилга олиниб, коммунистларга ағча меҳнат қилигани таъкидланди. Районимиз пахтакорлари ишига берилган бу юксак баҳо барча меҳнаткашларнинг кучига-қў, гайратига янада гайрат қўшиб юборди. Шу туфайли колхоз ва совхозларда план бажариладиган кейин ҳам йиғим-терим суръати жадал давом этди ва республикада биринчилар қатори зиммага олинган юксак социалистик мажбурият муваффақият адо этилди.

Она-Ватан 1979 йилда бўналик пахтакорлардан жами 75 минг 150 тонна «оқ олтин» дурдоналарни қабул қилиб олди. Ҳосилдорлик район тарихида биринчи марта 34,7 центнерга етказилди. Бир йилнинг ўзигаёқ давлатга пландагига қўшимча 12 минг 500 тонна пахта етказиб берилди.

Пахта таъйирлаш йиллик ҳақ хўжалик планини бажармаган бирорта колхоз, совхоз, бўлим ёки бригада қолмади. «Октябрь 40 йиллиги», Тимирязев номи, «Коммунизм» колхозлари 40 центнерлик маррадан ўзиб кетдилар. «Ленин» номи, «Партия XXII съезди» ва «Ленин» колхозлари ҳар гектар майдондан районнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан кўп ҳосил йиғиштириб олдилар.

«Бўна» ва «Кўрол» совхозлари колхотилари ҳам катта хирмон учун актив кураш олиб бориб, давлатга ҳар

Т. ИСЛОМОВ,
Бўна район партия комитетининг биринчи секретари.
Р. ҚОДИРОВ,
район ижроия комитетининг раиси.

Шуни қувончлики, бир қатор колхозларимиз кўп йиллардан бери давом этиб келатган қўқоқликка барҳам бериб, ҳосилдорлигини кескин оширишга эришилди ва илгир хўжаликлар сафидан ўрни олдилар. Жумладан, «Ленин» колхозда ҳосилдорлик олдинги йилдагига нисбатан 5,6 центнер, Мишурин номи колхозда 5,5 центнер, Фрунзе номи колхозда 4,5 центнер кўпайди.

Пахтачилигининг байроқдорлари бўлган юқори ҳосил усталари ҳамда эликцентерчи бригадалар сафи янада кенгайди. Ўтган хўжалик йилида 8 та бригада эллик центнердан ортиб хирмон кўтарди. Биз бугунги кунда «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Иброҳимов, Эрмаков Ҳасанов, Саиджаббор Сулаймонов, Қосим Шононов, Асқар Зоидов, Ҳамза номи колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова, «Ленин» номи колхозидан Мингтош Жўраев, Тимирязев номи колхоздан Аҳад Қўрбонов сингари эликцентерчи бригада коллективлари номини зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Улар бошлаб берган ватандарварлик ҳаракати районимиз бўйлаб кенг қўзғолди. Ўйлаб бригадалар уларга эргашиб, ҳосилдорлигини оширишда йил сайин қувончли натижаларга эришдилар. Ўтган йили ҳосилдорлик 16 та бригадада 45—50 центнер, 37 та бригадада 40—45 центнер, 66 та бригадада 36—40 центнер ташкил этди.

Районимизнинг шонли дала гвардиячилари мардона меҳнат қилдилар. Улар йиғим-теримини гўш уюшқоқлик билан ўтказиб яқин ҳосилнинг 61 минг тоннадан кўпрогини ўз машиналари бундарида тўқидилар. «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан С. Усенов, И. Муртазов, М. Тўлаев, М. Галин, Х. Шаропов, Мишурин номи колхоздан А. Пернебеков, Тимирязев номи колхоздан Х. Ҳокиев, П. Асқоров, «Бўна» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Ковалева, Н. Тешаева, «Ленин» колхозидан Э. Тоғтаров, Ҳамза номи колхоздан Р. Қўшбоев, У. Жўраев, «Коммунизм» колхоздан О. Ҳасанов, Фрунзе номи колхоздан Р. Жўраев, Илчи номи колхоздан А. Бектурганов, М. Раҳматалев сингари ўйлаб меҳанизаторлар йиғим-терим мавсуми давомида бир неча марта социалистик мусобақа ғолиби бўлдилар.

Пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам тез ривожланиб бормоқда. 1979 йилда жами 17 минг 224 тонна дон, шу жумладан 3349 тонна шол, 10 минг 765 тонна маккажўхори донини йиғиштириб олди. Давлатга қаршоса, сабзавот, қовун-тарвуз ва мева топшириш планлари ҳам анча ортири билан адо этилди.

Район хўжаликларидан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш йил сайин кўпайиб бораётган. Ўтган йили 1178 тонна гўшт, 8851 тонна сут, 1 миллион 363 минг дон

Биз янги хўжалик йилини ҳам ишлаб чиқаришининг ҳамма соҳаларида план ва социалистик мажбуриятларининг муваффақият билан бажариб, кўчма Қизил байроғини учинчи марта қўлга киритиб, уни есдалик учун сақлаб қўлишга эришилди мақсадида ҳамма чораларини кўрамиз.

Ҳамза номи колхозининг эликцентерчи бригадаси бошлиғи, машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саодат Гулаҳмедова пойтахт областининг бир группа дондор кишилари даврасида.

А. Абляев фотоси.

КОМПЛЕКС БАРАКАСИ

Тўлаған ҚУРЛОВ,

Ҳамза номи колхоз бош зоотехниги

ЧОРВАЧИЛИКНИ ривожлантиришда муҳим роль уйнашини биз ўз хўжалигимиз нисолда кўрмоқдамиз. 400 бош соғин сугирга мўлажалланган комплекс ишга уштурулган, чорва маҳсулотлари етиштириш кескин кўпайди. Бу комплексда асосий иш жараёнари меҳанизациялашган.

Сутчалик комплекс ишга тушушга қадар моллар сўтинини аяшланиш борасида катта ишлар қилинди. Эндиликда хўжалигимизда жами 1002 бош қорамол мавжуд бўлиб, шундан 300 бошдан кўпроғи соғин сугирлардир.

Ўн йил беш йилликнинг бошида ҳар бош сугирдан соғиб олинган сут миқдори 3 минг килограммга ҳам етмас эди. Маҳаллий жайлар сугирларни қорала сотли сермақсуд сугирлар билан алмаштирилганимиз туфайли сут етиштириш икки бараварга яқин кўпайди. Масалан, ўтган йили ҳар бош сугирдан ўртача 3941 килограммдан сўт соғиб олинди. Бу аввалги йилда нисбатан 62 кило-

грамм кўпиди. Гулнора Соппова, Қарингул Турғунова сингари тақрибиди сут соғувчиларимиз эса ўз боқияларидан сугирлар маҳсулдорлигини 4200—4300 килограммга етказмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кўчма байроғи фермаимиз ишчи-хизматчиларини янги марралар сари руҳлантириб юборди. Бу йил улар ҳар бош сугирдан ўртача 4100 килограммдан сўт соғиб олиш юзасидан юксак мажбурият қабул қилдилар. Бу марранини эгаллаш учун фермаимизда ҳозирдаёқ қизгин кураш бошлаб юборилган. Чорва молларини қишдан бетафлот ва сезим олиб чиқиш таъминланмоқда. Ҳозирги кунда ҳам соғин сугирларнинг маҳсулдорлиги камайгани йўқ.

1979 йил якунлари

РАЙОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ПЛАНГА ҚУШИМЧА

- 12 МИНГ 450 ТОННА ПАХТА
- 4562 ТОННА ДОН
- 200 ТОННАГА ЯҚИН ГЎШТ
- 530 ТОННА СУТ ЕТИШТИРИДИЛАР.



